



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲДАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 59 (12.120)

Баҳоси эркин нархда

БУНЁДКОРЛИК, ЯНГИЛАНИШ ВА МЕҲР-МУРУВВАТ АЙЁМИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!
Мухтарам меҳмонлар!

Табият ўйғониб, баҳор нафаси тобора қуайиб, она заминимиз яшил либосга бурканиб бораётган шу ёргу ва мунавар кунларда сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун ўзбекистон халқини юртимизга кириб келаётган Наврӯзи олам – янгиланиши ва яшариш байрами билан чин қалбимдан муборакбод этишдан баҳтиерман.

Наврӯз айёми барчамиз учун шарқона янги йил дебочаси, серхосиллик ва кутбарағоясини ўзида мужассам етадиган, бизнинг миллий табиатимиз ва қадрияларимиздан ажратиб бўлмайдиган, ҳар қандай сиёсатдан холи, энг қадимий, энг севимли байрамимиздир.

Бундан минг йиллар аввал, кўнҳа «Авесто» яратилган замонларда ҳам бизнинг аждодларимиз бу дилбар фасл кунлари Сирдарё ва Амударё бўйларида, чексиз Туроннинг кишлоп ва кентларида, дашту далаларда табият билан тиллашиб, Наврӯз нашидасини сурғанлар, кўш ҳайдаб, далаға дон сочиб, тинчлик-омонлик тилаб, ингуз-ниятлар билан яшаганлар.

Наврӯзи олам том маънода ўзининг руҳи ва гоялари билан инсоннинг доимо яна ер ва табият билан ҳамнафас бўлиб яшаси, ҳар қайси одамнинг қалбида, унинг дини ва миллатидан қатъи назар, яшамок ва яратмок интилишларини ўйғотиши, ахиллик ва бирдамлик туйғуларини мустаҳкамлаш учун хизмат қилиб келмоқда.

Бунинг яққол исботи шу кунларда юртдошларимизнинг баргини кенг очиб, табиятдан баҳра олиб, сумалак ва ҳалим, гўжа ва кўксомса каби баҳорини неъматлар тортилган дастурхонлар атрофида, яшил майдон ва кўкаламзорларда сайлтомушалар қилиб, Наврӯз айёмини шуду хурдамлик билан кутиб олаётганида, нишонлаётганида намоён бўлмоқда.

Одамлар ўтасида меҳр-оқибат, шафқат ва муруват, кексаларнинг дуосини олиш, кўнгли ярим, етим-есирларнинг бошини силаш, ногирон ва муҳтоҳ оиласаларга беминнат ёрдам бериси каби ҳалқимизга мансуб ажойиб фазилат ва савобли ишлар ҳар қайси маҳалла ва гўшада ўзининг аксини топмоқда.

Наврӯз фаслида турли низо ва адоватлар унуттилади, ҳар қайси инсон ўз оиласи аъзоларини, қадрдонларини бағрига босиб, таниш-билишларини кутлаб, уларга соглиқ-омонлик, тинчлик-осойишталик тилайди, осномизи хамиша мусафро бўлишини истайди.

Шу мунавар дамларда ҳалқимизнинг барча орзу-умидлари, қалби ва вужуди Наврӯз руҳи ва гояларига ҳамоҳанг, ўйғун ва муштарак бўлиб ривож топаётганига она юртимизда яшаттган ҳар қайси инсон яна ва яна бир бор икрор бўлади.

Айнан шунинг учун бу бетакрор ва гўзал айёми эл-юртимиз орзикӣ кутади, ўз согинчларини ва орзу-истакларини, ёргу чехрасини намоён этишга интилади.

Шу мунавар дамларда ҳалқимизнинг барча орзу-умидлари, қалби ва вужуди Наврӯз руҳи ва гояларига ҳамоҳанг, ўйғун ва муштарак бўлиб ривож топаётганига она юртимизда яшаттган ҳар қайси инсон яна ва яна бир бор икрор бўлади.

Бугун шодиёнамида иштирок этаётган чет давлатларнинг мухтарам элчилари ва ҳалқаро ташкилотларнинг вакилларига, барча ҳамкор ва шерикларимиз, хорижий дўстларимизга миннатдорлик билдириб, уларни Наврӯзи олам билан чин дилдан ташкилашга изозат бергайсиз.

Азиз ва мухтарам ватандошларим!

Бугун мана шу гўзал ва бетакрор майдонда тўплланган сиз, қадрдонларимга, сизлар орқали бутун ҳалқимизга яна бир чукур хурмат-эҳтиромимиз ва самими тиллакларимни билдиримжиман.

Юртимиз тинч, ҳалқимиз омон бўлсин!

Ҳар бир хонадоннинг дастурхони тўқинсочин, ҳар бир оила мустаҳкам бўлсин!

Ҳар бир инсоннинг баҳту саодати зиёда бўлсин!

Эл-юртимизни хавфу хатарлардан, балоқалардан Яратганинг ўзи асрасин!

Наврӯзи олам барчамизга муборак бўлсин!



**Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб
ўтган Наврӯз байрами
тантаналаридан репортаж**



Баҳор ўзининг ҳарир либосига оҳиста ўраб, майин эпкинларда аллалаб, биз интиқ ва интизор кутган ардоқли байрамимиз Наврӯзи олиб келди.

Бу айём нафакат оламга, балки руҳимизга ҳам янгиланиш олиб киради. Дарахт новдаларига тириклик суви юргурни мисол кўзларимизга нур, қалбларимизга сурур, билакларимизга куч, юракларимизга мухаббат инади. Айнан Наврӯз фаслида табиатнинг бир бўлғаги эканимизни янада теран англаймиз. Шу юрт фарзанди эканимиздан, ҳалқимизга хос қадрият ва анъаналар нечоғи бўқий ва сермазмун, миллий маданиятимиз нақадар бой эканидан гурӯр ва ифтихор тўламиш. Юртимиз тинч. Осмонимиз мусафро. Фарзандларимиз соғ-саломат. Оиласиз мустаҳкам. Бир дунё орзулар билан эртани кутиб, келажакка ишониш, тую томашалар қилиш, янги ўй жойлар солиши, турмушини бекаму кўст этиши, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш ниятида яшаттган ҳалқимиз «Хуш келибсан ўлкамизга, Наврӯзи олам, қадаминг кутлуг бўлсин, юртимиздаги тинчлик-омонликка кўз тегмасин!» деб Наврӯзга пешвуз чимкоқда...

22 марта. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона бозатилган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт соҳалари намояндлари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, ўқувчи ва талаба-шўшлар, мамлакатимида фолијат кўрсатётган хорижий давлатлар элчиноналари ва ҳалқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буорган.

Соат 12.00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади.

Тадбир қатнашчилари давлатимиз раҳбарини қарсаклар билан кутиб олади.

Чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари барчани яшариси ва янгиланиш айёми билан кутлар экан, ўзининг маъно-мазмуни, кўрку таровати, теран фалсафаси билан бошқа байрамлардан ажралиб турадиган Наврӯз тимсолида ҳалқимизнинг ўзига хос маънавияти, ўтиши, асрий қадриятлари, миллий урф-одат ва анъана-удумлари тобора сайқаллани, ривож топиб бораётганини таъкидлadi.

...Янги кун бошланди. Саҳархез боболарнинг нуроний чехрасидан, дуоғўй момоларнинг эзгу тилакларидан, тонгни бешик қўчиб қаршилаган онапал алласидан бошланади бу кун. Саррин еллар канотида, юртимизни ҳеч қачон тарк этмайдиган лайлаклар хаёлтида кириб келади у. Наврӯз навоси янграйди. Ҳалқимизнинг энг ардоқли байрами бошланади ва қанот қоқиб бутун юртимиз узра парвоз айлайди. Ватанимиз бўйлаб эсаётган бу муаттар насим ҳар хонадон, ҳар бир оила, ҳар бир қалба кириб боради.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси 2012 йил 23 марта куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

• Андижон шаҳридаги Бобур номли вилоят ахборот-кутубхона марказида Юртбошимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асарини ўрганиш ва унинг мазмун-моҳиятини кенг оммаға етказишига бағишишган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

• Наманган шаҳридаги «Ёшлар маркази»да ўтказилган «Ташаббус-2012» кўрик-тандловининг вилоят боскичида 36 нафар энг кучли тадбиркор ва ҳунарманд иштирок этди. Ҳакамлар ҳайъати қатнашчилар фаолиятина баҳолашда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари билан бир қаторда, субъектларнинг Бандлик дастури ижросидаги улуши, устоз ва шогирд анъанасини йўлга кўйиш, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаш сингари қирраларига алоҳида этиборматади.

• Ўзбекистон Бадийи академиясининг Марказий кўргазмалар залида ҳалқ амалий санъати усталарининг анъанавий «Наврӯз-2012» кўргазмаси очилди. Кўргазмадан уста-хунармандлар томонидан тайёрланган ва айни пайтда мамлакатимизнинг бир қатор музейларида сакланадиган ижод намуналари ўрин олган.

ЖАҲОНДА

• Бугун Бельгиянинг Брюссель шаҳрида Европа Иттифоқи таркибига кирувчи мамлакатлар ташки ишлар вазирлари иштирокидаги савмит бошланди.

• Кеча Лондондаги хомашё биржасида бўлиб ўтган навбатдаги савдолар чоғида Brent русумли нефтнинг нархи 0,08 центга пасайиб, бир баррели 120,24 долларни ташкил этиди.

• Буюк Британия Бош вазири Дэвид Кэмерон мамлакатдаги транспорт соҳасидаги муаммолар ечи-мига хусусий сармояни жалб этиш юзасидан тайёрланган лойиҳани тақдим этиди.

• Кечака Мексикада рўй берган кучли зилзила натижасида курбонлар бўлмаган бўлсада, бироқ 11 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

• Массачусетс штатининг собиқ губернатори Митт Ромни АҚШда энг йирик штатлардан бири хисобланмиш Иллинойсда ўтказилган праймеризда голиб чиқди.

• Италиядаги йирик касаба ўшишга ташкилотларидан бири бўлмиш CGIL мамлакатда меҳнат бозорининг ислоҳотига қарши келгуси чоршонба куни умумий иш ташлашга даъват этмоқда. Бунга йўл кўймаслик мақсадида Марио Монти бошчилигидаги мамлакат хукумати туб ўзгаришлар амалга оширилишини, жумладан, Мехнат кодексининг 18-моддасига ўзгаришлар киритилишини таклиф этмоқда.

